

ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА “ЎҚИТУВЧИ” ТУШУНЧАСИ ГЕНЕЗИСИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-226-233>

Кудратова Умида Рахматовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси

umidakudratova75@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда ўқитувчи мақомини ошириш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Мақолада «ўқитувчи» тушунчаси генезиси шарқ фалсафаси ва таълим тизими тараққиёти негизида таҳлил этилган. Унинг синонимлари, иерархик ривожли аниқланган.

***Калит сўзлар:** таълим, тарбия, ўқитувчи, устоз-шогирд, мударрис, профессор - ўқитувчи, педагогика, диний ва дунёвий фанлар.*

АННОТАЦИЯ

Вопросы повышения статуса учителей в нашей стране приобретают все большую актуальность. В статье анализируется генезис понятия «учитель» на основе восточной философии и развития системы образования. Определены его синонимы, иерархическое развитие.

***Ключевые слова:** образование, воспитание, учитель, ученик, учитель, профессор-педагог, педагогика, религиозные и светские науки.*

ABSTRACT

The issues of raising the status of teachers in our country are becoming increasingly important. The article analyzes the genesis of the concept of "teacher" on the basis of Eastern philosophy and the development of the education system. Its synonyms, hierarchical development are defined.

***Key words:** education, upbringing, teacher, student, teacher, professor-teacher, pedagogy, religious and secular sciences.*

КИРИШ

Қадимги Шарқ ва Ғарбда шаклланган фалсафа инсониятнинг илм, фан, маънавий тараққиётининг дебочаси ҳисобланади. Инсоният тарихи бевосита буюк ўқитувчи ва устозлар фаолияти, тажрибаси, панд-насихатлари ва намунаси асосида яратилган, тараққий этган. Бежизга, Конфуцийни 22 ёшида «Хитой миллатининг - Буюк муаллими» [5.9.], Арастуни бутун инсоният учун «Муаллиму-аввал» - «Биринчи муаллим», Форобийни «Муаллиму ас-соний» -

«Иккинчи муаллим» [1.10.], файласуф олим Омонулла Файзуллаев М.Хайруллаевнинг ижодига юксак баҳо бериб «Муаллими ас-солис» - «Учинчи муаллим» [3.] деб атайди.

П.Ф.Каптерев рус педагогика(педагогия деб атайди)си тарихини таҳлил қилар экан, ҳамма мамлакатларда кузатилган уч даврни ажратиб кўрсатади: биринчи давр – черков педогигияси даври; иккинчиси - давлат педагогияси даври; учинчиси - ижтимоий педагогия даври. Ҳар бир халқнинг ўзида педагогик эҳтиёж вужудга келмас экан, педагогик ўз-ўзини англаш ҳам пайдо бўлмайди. «Педагогик ўз-ўзини англаш натижасида, шахсларнинг дунёкараши, ижтимоий мавқеи, уларнинг эҳтиёжлари ва кучлари ривожланади»[4.11.].

Барча динларда Аллоҳ биринчи ўқитувчи сифатида бўлса, пайғамбар ва набийлар унинг билимларини бандаларга етказувчи ўқитувчилар деб юритилади. Шунингдек, «мударрис»лар (араб.- «дарс берувчи») мадраса ўқитувчиси, муайян диний фандан дарс берган. Ҳозирги кунда мадраса ва диний университетларда диний ва дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам «мударрис» деб аталади[2.316.]. Давлатчилик ва саноатнинг ривожини давлат мактабларини шакллантирди.

“Ўқитувчи” тушунчаси генезиси таълимнинг турлари ва мақсадларига кўра (вақт, жой, таълим турига кўра) турлича ифодаланган. Масалан: устоз, преподаватель, тарбиячи, бошлиқ, гувернер, ментор, репетитор, педагог, профессор (аёлларга нисбатан: отин, гувернантка, синф аёли, мадам, мамзель) шаклида ҳам ифодаланади (Абрамов синонимлар луғати). Ушаков ва Дальнинг изоҳли луғатида “Қуйи ва ўрта мактабда, кайсидир фандан дарс берувчи шахс - ўқитувчи (преподаватель), мактаб ишчиси деб аталган”.

Умуман олганда, «ўқитувчи» тушунчасида «таълим берувчи шахс» акс этади. Уни - «муаллим», «гуру», «зи», «педагог», «ментор», «профессор» каби номлар билан аташ ҳам мумкин. Шунингдек, бой ва амалдорларнинг фарзандларига таълим берувчи эркин ўқитувчилар ҳам фаолият юритишган. Мусулмон мамлакатларида, жумладан мамлакатимиз худудларида ўғил ва қиз болаларнинг мактаблари алоҳида бўлиб - ўғил болалар ўқитувчиси «домла», қиз болалар ўқитувчиси «отинбиби» деб номланган[2.316.].

Ўзбек тилининг этимологик луғатида Ш.Рахматуллаев: «Ўқитувчи» сўзи аслида араб тилидан кириб келган «муаллим» сўзидан олинган, деб қайд этади. «Муаллим» арабча сўз бўлиб, «mu'allim(un)» шаклига эга, асли «ʿalīma» феълининг «ўқитди», «ўргатди» маъносини англатувчи «ʿalīma» шаклидан ҳосил қилинган аниқ нисбатдош бўлиб, араб тилидан «ўқитувчи» маъноси

билан олинган. Муаллима аёл ўқитувчи маъносини англатади[8.277.]. Шунингдек, «Ўқи» - «ёзувни талаффуз қил» маъносини англатиб, бу феъл асли «баланд товуш билан айт», «қичқирик» маъносини англатади. Унинг «ёзувни талаффуз қил» маъноси ёзув яратилгандан кейин юзага келган[9.139.]. Демак, ўқитувчиларнинг асосий вазифалари айнан «ўқи» феълнинг ўзагидан шаклланар экан, бу жараён ўзининг мураккаблиги, давомийлиги, асрлар давомида мукамаллашиб бориши билан аҳамиятлидир. Зеро, ўқитувчи ўқувчи билимларинигина эмас, балки ўз билимларини, салоҳиятини, маҳоратини, маданий ва ижтимоий мавқеини ҳам такомиллаштириб бориши натижасида унинг малака тоифаси ўсиб боради. Бундай шахслар азалда юртимизда уламо деб аталган. «Уламо» - арабча - «ʔulamau»; «ʔalima» - «билди», «билимли бўлди» маъносидан ясалган «ʔalim(au), «олимлар» маъносини англатади[9.139.]. Бугунги кунда бу сўзнинг кўплик шакли нутилганлиги сабабли «диний илмларни мукамал биладиган олим» маъносини англатади.

Педагог (юнон тилидан, παιδαγωγός «ўспиринни етаклаётган») - бу фаолияти улғайиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашга йўналтирилган махсус тайёрланган одам, педагогиканинг фан сифатида назарий муаммолари устида ишлаётган олим ҳам «педагог» дейилади. Шундай қилиб, «педагог» тушунчаси кенг тушунча: у бевосита ўқитувчилик жиҳатидан ташқари тарбиячилик ва устозлик даврига эга. Педагоглар инсонга фақатгина билимларни эмас, балки шахсий ижтимоий ва ҳаёт тажрибасини ҳам ўтказадилар. Буюк педагоглар қаторида Конфуций, Суқрот, Арасту, Фаробий, Ибн Сино, Я.А.Коменски, Г.Песталоцци, М.Монтессори, В.Сухомлинский, К.Ушинский, М.Бехбудий А.Авлоний, Қ. Ниёзий, И.Мўминов, М.Хайруллаев каби устозларни кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, «Ўқитувчи» атамаси (кўпроқ «Устоз» маъносида) – ўз издошларига эга бўлган «нуфузли одам», «маънавий устоз», «пир-устоз» ҳақида фикр юритилганда ҳам ишлатилади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Термизий Абу Умома Боҳилий (р.а.) ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи вассаллам: «Албатта, Аллоҳ, Унинг фаришталари, осмонлару ернинг аҳли, ҳаттоки уясидаги чумоли ва балиқ ҳам одамларга яхшилиқни ўргатувчига саловат айтадилар», дедилар». Ушбу ҳадиси шарифдаги одамларга яхшилиқ ўргатувчилар асосан мусулмон муаллимлардир. Бу шарафга муяссар бўладиганларга кичкинтойларга алифбе харфларини ўргатаётган муаллимлардан тортиб, фан докторлиги илмий ишларига раҳбарлик қилаётган

устозлар, илмий кашфиётларни бошқараётган раҳбарларгача барчалари кирадилар», деб ёзади. Улар таълим ва тарбия, муаллим ва мутаъаллим фаолиятининг узвий алоқадорлигини қайд этади. Улар таълим ҳақида ёзади: «Таълим» бир нарсанинг ҳақиқатини батафсил ва яхшилаб билдириш маъносини англатади. «Таълим бериш», «дарс бериш» ва «ўргатиш» сўзларининг маънолари бир-бири билан яқин бўлиб, маълумотларни муаллимдан мутаъаллимга (таълим олувчига) нақл қилишни билдиради. Таълим шарҳлаш, очиклаш, яқинлаштириш, ҳужжатлаш, далил келтириш, тарбия бериш ва насихат қилиш каби ишлардан иборатдир. Таълим бериш билан таълим олиш бир бири билан чамбарчас боғлиқ, бирисиз иккинчиси бўлмайди. Илм талаб қилиш фарз бўлгани каби, таълим бериш ҳам фарз қилинган»[10.366.].

Шарқ ва Ғарб мамлакатларида азалдан илм-маърифат ривожини ворисийлик тамойили асосида, оддийдан мураккабга қараб узлуксиз тарққий этиб борган. Ижтимоий макон ва ижтимоий вақт давомидаги ўзгаришлар таълим-тарбиянинг назарий ва амалий асослари мазмун-моҳиятини ўзгартирмади. Қадимдан ўқитувчилик, устозлик ёки гурулик - мураббийлик энг маъсулиятли ва обрўли касблардан ҳисобланган. Шарқ мамлакатлари - қадимги Месопотамия, Бобил, Миср, Ҳиндистон, Хитойда ўқитувчи фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Қадимги Месопотамияда дастлабки мактаблар эр.ав. III минг йилликнинг биринчи ярмида шаклланган, унга сангалар раҳбарлик қилган. Асосан «санга» унвони – администратор руҳоний, эҳромнинг алоҳида ходимларига таълим берувчи шахсни англатади, шунингдек, «писец», яъни «котиб» ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Котиблар мактаби матнларида унинг ходимлари, ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳақидаги дастлабки маълумотларимиз, II-минг йиллик бошларида ёзилган «э-дуба матнлари»да учрайди[7.63.]. Бу мактабларда «уммиа» - бошлиқ бўлиб, у ёзишни ўргатган энг обрўли ва тажрибали котиб бўлган. Уммиа – хусусий мактабларни таъминлаб, ўқувчи ва ўқитувчиларга бошчилик қилган. Уммиалар жамиятда катта обрўга эга шахс ҳисобланган, шунингдек ўқитувчилар ҳам катта ҳурмат ва эътиборга эга эканлиги «Мактаб кунлари» пассажида қайд этилади.

Месопотамиядаги сопол лавҳаларда «Ўқитувчи инсонни шакллантирадиган Худо, Сиз ҳақиқатдан ҳам худосиз. Сиз кучукча сифатида менинг кўзларимни очдингиз, менда инсоний тамойилни яратдингиз», - деб қайд этилган. Умми, яъни ўқитувчи, ўз ўқувчиларига мурожаат қилар экан,

«Ўспирин, отангизни билганингиз каби, - мен иккинчиман (ундан кейин)», дейди. Шу сабабдан, улар «мактаб отаси» деб аталиб, ота-оналар томонидан ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинган. Аммо мактабда ўртача 4-5 та ўқитувчилар фаолият юритишган, чунки айрим ўқитувчилар турли вазифаларни бирга олиб боришган. Ўқитувчиларнинг меҳнатига ўқувчиларнинг ота-оналари ҳақ тўлаганлар. Шунингдек, яхши ўзлаштирган ўқувчиларнинг ота-оналари, бунга қўшимча равишда ўқитувчиларга турли қимматбаҳо совғалар ҳадя этганлар, уларни улуғлаганлар[8.63.]. Ўқитувчилар педагогик фаолияти билан бирга илмий изланишлар ҳам олиб боришган. Демак, қадимдан инсонни биологик дунёга келтирган отаси эмас, балки катта ижтимоий ҳаётга ўргатган устози, яъни ўқитувчиси «ҳақиқий ота» сифатида эътироф этилган[8.59]. Чунки болаларнинг таълим олиш жараёни узок муддатли бўлиб, 5-7 ёшдан, қарийиб 20-25 ёшгача давом этган, босқичма-босқич таълим-тарбия бериб борилган.

Дастлаб Ҳиндистонда ўқитувчилик касби билан айнан юқори табақа вакиллари, яъни брахманлар шуғулланганлар ва уларнинг таълим тизими мукамал йўлга қўйилган. Брахманларнинг таълим дастури анча тўлиқ ва серқирра бўлган, кшатрийлар дастурида ҳарбий билимларни эгаллаш устуворлик қилган, вайшилар таълими касб-ҳунар эгаллашга қаратилган. Бу одатдаги таълим 8 йил давом этган, «Веда»ларни айтиб бериш ва ўқиш, ёзиш ўргатилган. Юқори таълимни гуру (рухий устоз, обрўли, мўътабар зотлар)лар ўз гурукула («гурунинг уйи»)ларида олиб борганлар. Бундай мактаблар устоз ва шогирдлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳамда қатъий интизомга асосланган. Ўқитувчилар юксак даражада кадрланган, уларнинг касби илоҳий юмуш ҳисобланган. Устознинг бурчи шогирдларини муносиб фуқаролар қилиб тарбиялаш, уларда билимга муҳаббат уйғотишдан иборат бўлган. Талабаларни катта ҳаётга тайёрлаганлар, гурукулада уларга дин, фалсафа, турли санъатларни ва йога сирларини ўргатишган. Гурукула учун талабалар «Шогирд - тайёр бўлганида, устоз ўзи келади» тамойили асосида танланган. Устозлар талабаларда қатъият, совуққонлик, хотиржамлик, эътиқодга ҳурмат, табиатга муҳаббат каби фазилатлар бўлишига эътибор қаратишган. Уларда имкониятларидан ташқаридаги қобилиятлар вужудга келишига ёрдам берувчи рухий, ақлий ва жисмоний омилларни шакллантирган.

Айнан, буддавийлик ибодатхоналардаги мактабларда таълимнинг шахсий таълим тамойилига асосланган. Бир устоз қўлида талабаларнинг кам миқдорда бўлиши, юқори натижаларга эришишга, ҳамда талаба билан устоз ўртасида яқин алоқа ўрнатилишига хизмат қилган. Бунда педагогик таъсир ва

ўзаро таъсир усулидан фойдаланилган, талабалар ечиши керак бўлган масалалар парадокс(коан)лар асосига қурилган. Мантиқий тафаккур ўстирилган.

Қадимги Хитой файласуфи Конфуций («Хурматли Устоз Кунг» маъносини англатади) 22 ёшидан таълим бериш билан шуғулланиб, кейинчалик Хитойнинг энг машҳур ўқитувчиси сифатида танилди. У ўз мактабида 4 та фан: ахлоқ, тил, сиёсат ва адабиётдан дарс берган. Мухлислари уни «Кўнг фузи» деб улуғлашган, «фузи» - «устоз», «ҳазрат» демакдир. Шундан Конфуций номи шаклланди. У ўзининг ахлоқий-сиёсий қарашларини ёйиш мақсадида 14 йил подшоҳликларни кезади. Мақсади амалга ошмайди ва 68 ёшида таклифларга кўра Лу подшолигига қайтиб келади. 3000 та шогирдлари орасидан 72 нафари устозларини асло тарк этмайди[6.13.].

Конфуций фақат оқсуяк амалдорларнинг фарзандлари эмас, балки «ким бўлмасин - ҳамма билим олиши керак» деган ташаббус билан чиқади. У шогирдликка олар экан, ҳаммага бирдек таълим-тарбия берган. Барчани шахсий билим олишини йўлга қўйган, хусусий мактаб очиб, амалдорларнинг маданият ва маорифга нисбатан танҳо ҳокимлигини парчалаб башлаган. У Суқрот ва Платон каби фақат оғзаки таълим берганлиги сабаб шогирлари томонидан айрим асарлари ёзиб қолдирилган. Конфуцийчилик намоёндаси Менг-зи шундай дейди: «Аввалги донишмадлар билан кейинги донишмандларнинг ўлчов мезонлари (йўли) бирдир»[6.61-62.]. Шунинг учун биз тез-тез мутафаккирларимиз ғояларини бир-бирга ўхшашлигини кўрамиз.

Дарҳақиқат, Хитой анъаналарида Устоз ва талаба ўртасидаги муносабатлар алоҳида ахлоқий ва маънавий алоқаларни ифодаловчи муҳим ўринни эгаллаб келган ва эгаллаб келмоқда. Оилавий ахлоқий тушунчалар бевосита ўқитувчи ва талаба муносабатларига ўтказилади. Ота ўғил учун авторетит бўлганидек, Устоз ҳам талаба учун ҳокимиятдир. Мактабда ўқиган ҳар бир киши «хукмдор билан жазолаш» иборасининг маъносини билади, аммо бошқа кўплаб соҳаларда жазонинг оғир турлари ҳам бўлган. Шу билан бирга, жазоланаётган шахс шикоят қилишга ҳақли эмас эди. Ҳам Устоз, ҳам талаба, ҳар бир киши жазолаш усуллари муҳимлигини тушунган, ҳатто «Таёқсиз ўрганиш бўлмайди» деган тушунча мавжуд. Анъанавий жамиятда ўқитувчига муносабат ҳурматга асосланган бўлиб, ўқитувчи якуний ҳақиқатга эга, деб ишонган ва унинг вазифаси талабани тузатиш, хатоларни енгишга ёрдам беришдир.

Дастлаб ҳиндистонда йогалар, мусулмон мамлакатларида тасаввуф таълимоти - “Маънавий Устоз”, “Пир” ривожига ўқитувчининг янгича

талқинини юзага келтиради. Эзотерик билимларнинг ўсиши шарқ ва ғарб мамлакатларида «Маънавий Устоз»ларнинг фаолиятини кенгайтирди. Бундай Устозлардан – Аҳмад Яссавий, Нажмиддик Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд кабиларни, шунингдек XX асрда фаолият юритган Жидду Кришнамурти, Алиса Бейли, Вивекананда, Рудольф Штайнер, Шри Ауробиндо Гхош, Далай Лама, Н.К.Рерихларни санаб ўтишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, ўқитишнинг ҳисларни тасаввур қилиш ва ўзгартириш босқичида, тажрибанинг барча қирраларини эгаллаш даражасида вазият бошқача бўлади. Агар бизда мавжуд бўлган барча бойликларни, куч ва қобилиятларни очиб беришни истасак, ўқитувчи жуда зарур бўлади. Ўқитувчи восита йўлида ҳам керак. У бизга ўз кучимизни беради, шунда биз ўзимизни тоза заминда энергия ва ёруғлик шакллари сифатида ҳис қила оламиз. Ўқитувчига раҳм-шафқат ва аралashi ҳамда одамларга ёрдам бериш истаги - ҳам қисқа муддатда, ҳам узоқ муддатда керак бўлади. Шунинг учун, у доно бўлиши ва тажриба орқали нима билан ишлаётганини билиши, шунингдек етук бўлиши керак[12.88.].

Ўқитувчининг энг муҳим фазилати шахсиз нарсаларни кўра билишдир. Ўқитувчи онг моҳиятини доимий равишда ҳис этиб туриши ва енгилмас танани, нутқни ва онгни эгаллаши керак. Ақл кучли бўлиб қолиши, нутқни ишонтирадиган ва танада жасорат ҳамда қувонч пайдо бўлиши керак[11.1772].

ХУЛОСА

Мухтасар қилиб айтганда, Шарқ фалсафасида “ўқитувчи” тушунчаси генезиси узоқ тарихий тараққиёт босқичларида шаклланган. Замонавий таълим тизимида «Бир умрлик таълим» анъаналарини жорий этиш, уни янада такомиллаштирмоқда. Шу сабабдан, бугунги кунда замонавий таълим тизимидаги ўқитувчи ролини мактабгача таълим ўқитувчиси, бошланғич ва умумий таълим ўқитувчиси, ўрта махсус ва олий таълим ўқитувчиси, ундан кейинги таълимдаги устозлар қиёфасида таҳлил эҳлил этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Тадқиқотимиз натижасида маълум бўлдики, «ўқитувчи» тушунчаси «таълим берувчи шахс»ни акс эттириб, шарқ халқларида - «муаллим», «санга», «гуру», «зи», «педагог», «ментор», «профессор-ўқитувчи», “Маънавий Устоз”, “Пир” каби номлар билан аталган. Бунда ўқитувчи руҳияти, кадр-қиммати, салоҳияти, мавқеи масалалари домимо долзарб аҳамиятга эга бўлганлиги намоён бўлди. Ўқитувчи шахси профессионаллашув даражаси давомида устоз

даражасида эътироф этилиб, жамиятнинг зиёлилар қатламини шакллантириши билан ижтимоий ҳаётда маданийлашув даражасини ошишига сабаб бўлди.

REFERENCES

1. Абу Наср Форобий Фозил одамлар шахри. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 224 б.
2. Ислом энциклопедияси. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. -670 б.
3. Тўраев Б. Учинчи муаллим - Ўзбекистон фалсафаси ютуқларини тарғиб қилган вакил –Тошкент, 2021. https://uza.uz/uz/posts/uchinchi-muallim-ozbekiston-falsafasi-yutuqlarini-targib-qilgan-vakil_332585
4. Каптерев П.Ф. История русской педагогики.- С.Пб.:Аметейя, 2004. -560 с.
5. Конфуций Ҳикматлар. - Тошкент: Алишр Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. -164 б.
6. Конфуций Муҳокама ва баён. Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 180.
7. Образовательные системы Востока и Запада в эпоху древности и средневековья – М.: Издательство Российского университета дружбы народов, 2003. -359 с.
8. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. - Тошкент: Университет, 2003. -503б.
9. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. - Тошкент: Университет, 2000. -498 б.
10. « Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Ижтимоий одоблар. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2016. – 456 б.
11. Saifnazarov, I., Abdullakhanova, G., Alimatova, N., Qudratova, U. (2020). The main trends of increasing the role of the teacher in the innovative development of Uzbekistan . International journal Advansed Science and Technology, 5,1771-1773.
12. Qudratova, U.R. (2021) The activite of pedagogue and teacher: history and contemporaneity. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9, 87-90.
13. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.